ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ХАЛҚАРО САВДО НАЗАРИЯЛАРИ

Салиев Ш.И.
“Асакабанк” АЖ бошқарув раиси ўринбосари
https://doi.org/10.5281/zenodo.13822968

Иқтисодиёт назариясида инсон капиталининг ривожланиши қуйидаги икки йўл билан иқтисодий ўсишга ТТХИ нинг таъсирини кучайтиради:

биринчидан, инсон капиталининг ривожланиши ТТХИ нинг самарадорликни яхшилаш ва технология тарқалишига таъсирларини кучайтиради.

иккинчидан, инсон капиталининг ривожланиши ТТХИ нинг ишлаб чиқариш ва экспорт жараёнларига таъсирини яхшилайди.

Аввал муҳокама қилингани каби, мезбон мамлакатнинг ишлаб чиқариш қобилиятини кучайтириш орқали ТТХИ нинг иқтисодий ўсишга туртки бўлади. ТТХИ нинг мамлакат ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири икки томонлама бўлади. Биринчидан, Бломстромнинг фикрича, технология халқаро тарқалишининг аксарияти ТТХИ га боғлиқ бўлиб, ТТХИ томонидан капитал товарлар, илғор технологиялар ва тадбиркорлик малакалари шаклида олиб келинган технология чет эл тармоғини маҳаллий тармоққа қараганда юқори самарадорлик ва юқорироқ технологик даражада фаолият юритишга имкон яратади. Иккинчидан, ТТХИ томонидан олиб келинган технология ва малакалар, тарқалувчи самаралари орқали юқори маҳсулдорлик ва технологик самарадорликни кучайтириш учун маҳаллий тармоқлар томонидан ўзлаштирилади. [1]

Маҳаллий фирмалар ўзларининг хорижий рақобатчиларинини кузатган ҳолда, улардан ўргансалар тарқалувчи самаралари юзага чиқади. Мазкур жараён маҳаллий фирмалар ТТХИ фирмаларининг таъминотчилари ёки харидорларига айланганларида ҳам содир бўлиши мумкин.

ТТХИ иқтисодий ўсишга экспортни ошириш орқали ҳам таъсир кўрсатади. Экспортга йўналтирилган ТТХИ киритилганда ишлаб чиқариладиган экспорт маҳсулотлари турлари ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд нисбий устунликларга боғлиқ бўлади. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлардаги устунликлар табиий бойликлар ва арзон ишчи кучи ҳисобланиб, ТТХИ фирмалари томонидан экпорт асосан табиий бойликларга асосланган ва меҳнатни кўп талаб қилувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Ушбу маҳсулотлар жаҳон бозиридаги талаб ва нарх тебранишига боғланиши заиф бўлиб, кам қўшилган қийматга эга бўлади. Шунинг учун, бу кўринишдаги экспорт иқтисодий ўсишга чекланган даражада таъсирга эга бўлиши мумкин ва бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ихтисослашув барқарор ўсишни таъминлаб бермаслиги мумкин. Малака ва технологияни кўп талаб қилувчи маҳсулотларни экспорт қилиш кўпроқ фойдалироқ бўлади, чунки ушбу маҳсулотлар табиий ресурсларга асосланган ва малакасиз ишчи кучини кўп талаб қилувчи маҳсулотларга қараганда кўпроқ қўшилган қийматга эга ҳамда нарх тебранишига камроқ таъсирчан бўлади. Шу сабабдан, инсон капиталининг юқори даражаси ТТХИ нинг экспортга таъсирини сифат жиҳатдан яхшилайди. Баъзи Шарқий Осиё мамлакатларининг 1980 йиллар охири ва 1990 йиллардаги, малака ва технологияни кўп талаб қилувчи маҳсулотлар экспортини қўллашдаги ютуқлари

орқали инсон капитали ривожланишидаги ишчи кучини ўқитишнинг аҳамиятини кўриш мумкин. Бир неча ривожланаётган мамлакатлар, масалан Шри-Ланка ва Мавритания, ишчи кучини кўп талаб қилувчи кийим-кечак ва поябзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, малакали ишчи кучида етишмовчилиги натижасида юқори қўшилган қийматли ва технологияни кўп талаб қилувчи ишлаб чиқаришга ўтишда қийинчиликларга дуч келди. Инсон капитали тўпланишининг юқори даражаси ТТХИ томонидан амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ва экспорт йўналишларини технология ва малака кўп талаб қилувчи ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотларга ўзгартиради. Натижада, ТТХИ нинг иқтисодий ўсишга таъсири ошади. [2]

Юқорида қайд этилганидек, иқтисодий адабиётларда мамлакатдаги иқтисодий очиқлик ва инсон капиталининг ривожланганлик даражаси иқтисодий ўсишнинг асосий детерминантлари ҳамда мезбон мамлакат ўзлаштириш ҳажмидаги муҳим омил сифатида келтирилади. Гроссман ва Ҳелпман ўз тадқиқотларида очиқ савдо тартиби кўп жиҳатдан қулай инвестицион муҳит, технология тарқалувчиларига боғлиқ бўлишини кўрсатиб беради. Шунингдек, ТТХИ ва савдо ривожланган мамлакатларни кўпроқ янгилик яратишга ва ривожланаётган мамлакатларни ривожланган мамлакатлар даражасига етиб олишларига имкон яратишини таъкидлайди. Кейинги тадқиқотида, Гроссман ва Ҳелпман савдонинг эркинлаштирилишини ишлаб чиқариш ўсишини таъминлашдаги муҳим омил сифатида келтирадилар. Яъни, савдо ва ТТХИ меҳнат ҳамда маҳаллий капитал билан бир қаторда, ишлаб чиқариш функциясига қўшилиши мумкин. Натижада, ТТХИ нинг ўсишга таъсирини баҳолашга оид кўпгина илмий адабиётлар шаклланди. [3]

Иқтисодий адабиётларнинг кўпчилик қисми институционал сифат ресурслар ва инсон капитали, технологик ривожланиш ва инновацияларга таъсир кўрсатувчи иқтисодий ўсиш даражасини аниқлашда муҳим ўрин тутиши келтирилади. Нортҳ институтларни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқалардан иборат ўйиннинг инсонлар томонидан ташкил этилган чекловлари ёки қоидалари сифатида таърифлайди. Ушбу расмий қоидаларнинг муҳим элементлари (масалан, конституциялар, қонунлар, судлар томонидан таъминланадиган мулкий ҳуқуқлар ҳамда милиция) ва норасмий чекловлар (масалан, санкциялар, ижтимоий чекловлар, анъаналар ҳамда ижтимоий нормалар). Нортҳ қўшимча тарзда институтлар иқтисодиётнинг рағбатлантирувчи таркибини таъминлашини келтириб ўтади. Таркиб ривожланар экан, иқтисодиёт ўсиш тенденцияси томонга шакллана боради. Қисқа қилиб айтганда, институтлар мулкчилик ҳуқуқлари, коррупция мавжудлиги ва чекланган иқтисодий сиёсатга таъсир кўрсатиб, инсон ва жисмоний капитал ҳамда иқтисодий ўсиш учун инвестиция киритилишини рағбатлантиради. [4]

Иқтисодиёт назариясида институционал сифат, хусусан мулкчилик ҳуқуқлари хавфсизлиги, узоқ муддатли иқтисодий ўсишга ёрдам берувчи бош омиллардан бири ҳисобланиши ҳақида умумий келишув мавжуд.[5] Нортҳ ривожланаётган мамлакатлардаги ривожланишдан орқада қолиш ва паст ўсиш суръатларининг илк сабаби - самарали тарзда мулкчилик ҳуқуқларини белгилаб берувчи ва ҳимоя қилувчи ҳамда шартномаларга амал қилинишини таъминловчи институционал муҳитни ривожлантиришдаги муваффақиятсизлик эканлигини таъкидлайди. Ривожланган мамлакатлар томонидан эришилган барқарор ўсиш мулкчилик ҳуқуқлари алмашинуви ва улар ҳимоясини яхшиловчи институтлар натижасидир. Институционал муҳит ҳаракатлар учун рағбатларни яратади ва натижада фақатгина иқтисодий ўсишни эмас, балки бутун жамият

шаклланадиган йўлни аниқлаб берувчи мавжуд танловни кўрсатиб беради. Барро хавфсиз мулкчилик ҳуқуқлари иқтисодий ўсишни инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш орқали яхшилаши мумкинлигини келтиради.

Кўпгина тадқиқотлар ТТХИ нинг иқтисодий ўсишга таъсирини ўргансада, улар инвестиция самарадорлиги ва иқтисодий ўсишни аниқлашдаги институцион сифатнинг ўрнини ҳисобга олмайди [6]. Олофсдоттер ТТХИ кириб келиши орқали таъминланадиган янги технологияларни ўзлаштира олиш қобилияти яхши институционал тизимга эга бўлган мамлакатларда юқори даражада бўлишини келтириб ўтади. Илмий жиҳатдан, Олофсдоттер ТТХИ нинг иқтисодий ўсишга кучли ижобий таъсири юқори институционал сифатга эга мамлакатларда эришилиши мумкинлигини аниқлайди. Шунингдек, Дурҳам ТТХИ нинг иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлаш мақсадида, 1979 - 1998 йиллар оралиғида 80 мамлакат учун институцион сифатнинг ролини тадқиқ қилади. Дурҳам ТТХИ юқори институционал (бизнесни тартибга солиш индекси ва мулкчилик ҳуқуқлари индекси орқали ўлчанган) ёки молиявий (ЯИМ да биржа бозорларининг улуши сифатида) ривожланишга эга мамлакатларда кўпроқ иқтисодий ўсишга олиб келишини аниқлайди. Шунингдек, Дурҳам институционал сифатнинг минимум даражасига эришган мамлакатда ТТХИ нинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатишини ҳам келтириб ўтади.

Аял ва Каррас институцион сифатнинг 1975-1990 йилларда 58 мамлакатлардаги иқтисодий ўсишга таъсирини иқтисодий эркинлик индекси орқали ўрганган. Уларнинг натижалари иқтисодий эркинлик индексининг иқтисодий ўсишга ижобий таъсири борлигини кўрсатиб берган. Аял ва Карраснинг иқтисодий ўсишга оид расмий тадқиқотлари, иқтисодий эркинлик иқтисодий фаолиятларда давлат бевосита аралашувининг қисқариши натижасидаги иқтисодий ўсиш эканлигини аниқлаб беради [7].

Кўриб чиқилган назарий фикрлар ТТХИ нинг ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига таъсирига оид ягона хулосани таъминлаб бермайди. Гарчи бу фикрлар турли назарий таҳлиллар, илмий кузатувлар натижасида келиб чиқса ҳам, уларда ТТХИ га умумий ҳодиса сифатида қаралади. Яъни, ТТХИ чет эллик инвесторлар томонидан мезбон мамлакатларда фаолият олиб борувчи корхоналардан давомий фойда олиш мақсадида киритилган инвестициялар сифатида қаралади. Шу билан бирга, ТТХИ трансмиллий корпорациялар томонидан иқтисодиёт тармоқларига киритилган турли инвестициялардан ташкил топади. ТТХИ нинг иқтисодий ўсишга таъсирини янада тизимли баҳолашда, хусусий ёндашувдан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Бунда ТТХИ шакли ва ҳажмига кўра гуруҳланиб, улар иқтисодий ўсишга турли даражада таъсир қилиши мумкин. Мисол учун, юқори қўшилган қийматли ва малака кўп талаб қилувчи ишлаб чиқаришдаги ТТХИ меҳнат малакаларида, меҳнатни кўп талаб қилувчи ишлаб чиқаришдаги ТТХИ га қараганда кўпроқ таъсирга эга бўлиши мумкин. Шу сабабли, турли шакллардаги ТТХИ нинг ўсишга таъсирлари фарқланади [8].

Иқтисодиётда “краудинг аут (тарқалиш)” тушунчаси юритилиб, бу “давлат харажатлари ортиши сабабли юзага келадиган шахсий истеъмол ёки инвестициялардаги ҳар қандай камайиши” деб таърифланади. Бироқ, “краудинг аут” самараси баъзида ҳукумат харажатлари мултипликатор орқали хусусий соҳа маҳсулотлари учун бозорни кенгайтириши натижасида ўзгариши мумкин ва шу сабабли ҳукумат фаолияти шахсий инвестицияларни ҳаракатга келтирган ҳолда, умумий капитал ҳажмини оширади ва бу

“краудинг ин” деб номланади. Мазкур икки ҳолат ТТХИ ва маҳаллий инвестиция ўртасидаги муносабат учун ҳам қўлланилиши мумкин [9].

Мазкур ҳолатни кўриш учун умумий ялпи инвестиция (*I*) учун оддий формула тузишдан бошлаш керак ва бу маҳаллий инвестициялар I_d ва ТМК томонидан чет эл инвестициялари I_f йиғиндисига тенг:

$$I_t = I_{d,t} + I_{f,t} \quad (1.14)$$

Агарда ТТХИ даги бир бирлик ўсиш умумий инвестиция (*I*) да ҳам бир хил миқдорда ўсишга сабаб бўлса, бу ТТХИ нинг маҳаллий инвестицияга таъсири йўқлигини кўрсатади. Агар ТТХИ кириб келишидаги ўсиш умумий инвестицияда ундан кўпроқ ўсишга олиб келса, бу ТТХИ маҳаллий инвестицияни кўпайтиришидан (краудинг ин) далолат беради.

Бироқ, ТТХИ нинг маҳаллий инвестицияларга таъсири мамлакатлар ва ҳудудлар учун сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун, “краудинг ин” ёки “краудинг аут” самараларидан бирига мойил ҳолатларни аниқлаштириш муҳим масала ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги дастлабки илмий адабиётларда ривожланаётган мамлакатлар учун ТТХИ нинг самараси мавжуд маҳаллий ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши билан алоқадорликдаги чет эл инвестицияларининг соҳавий тақсимланишига узвий боғлишини келтиради [10]. ТМК мезбон мамлакат ёки ҳудуддаги мутлақо янги ёки ривожланмаган соҳага инвестиция киритса, ТТХИ нинг маҳаллий капитал бозорига ижобий таъсир кўрсатади, чунки кўпинча маҳаллий инвестор амалга ошириш учун керакли ресурларга эга бўлмаганда, ТТХИ маҳаллий бозорга янги товарлар,хизматлар, билим ҳамда фаолиятларни тақдим этиш орқали кириб келади ва мавжуд ресурс тақчиллигини бартараф этади. Бу ҳолатда, ТТХИ маҳаллий инвестициялар учун кўпроқ “краудинг ин” самарасига эга бўлади ёки бошқача сўз билан айтганда, маҳаллий инвестиция учун тўлдирувчи бўлади. Қарама-қарши равишда, ТМК мавжуд ёки ривожланган соҳаларга инвестиция киритишни танласа, улар мезбон мамлакатдаги чекланган ресурсларни эгаллаб олишлари ёки (одатда молиявий ва технологик жиҳатдан устунликка эга бўлмаган) маҳаллий инвесторлар билан рақобатлашиш учун ўзларининг технологик ва молиявий устунликларидан фойдаланишлари мумкин. Натижада, йирик ҳажмдаги ТТХИ кириб келиши кучли рақобатга олиб келиши ва маҳаллий фирмаларнинг инқирозига сабаб бўлиши мумкин. Бунда, ТТХИ кириб келиши кўпроқ маҳаллий инвестициялар учун “краудинг аут” самарага эга бўлади, яъни маҳаллий инвестиция ўрнини эгаллаб, уларни бозордан чиқариб юборади. Хулоса қилиб айтсак, қачонки мамлакатдаги ТТХИ тақсимланиши ишлаб чиқариш тақсимланишидаги мавжуд капитал тўпламидан фарқ қилса, у маҳаллий бозорда кўпроқ “краудинг ин” таъсирига эга бўлади, аксинча бўлса маҳаллий инвестицияларни чиқариб юборади.

Кларк томонидан яратилган тезлаштирувчи модел кўзланган капитал тўплами (K^*) ва кутилган ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармас бўлгандаги алоқани ҳисобга олувчи жараённинг энг оддий модели саналади. Агарда, Y_t (t) вақтдаги ҳақиқий ишлаб чиқариш ва β ўзгармас капитал/ишлаб чиқариш нисбати бўлса, модел фақатгина ишлаб чиқариш кўзланган капитал тўпламига (K^*) таъсир қилишини айтиб ўтади:

$$K^*_{d,t} = \beta Y_{d,t} \quad (1.15)$$

Шу сабабли, ҳар бир вақт оралиғида оптимал мослаштирилган капитал тўплами $K^*_{d,t} = K_t$ бўлади ва соф инвестиция ($I_{n,t}$) $I_{d,t} = K_{d,t} - K_{d,t-1} = \beta(Y_{d,t} - Y_{d,t-1})$ га тенг бўлади.

Шу билан бирга, қачонки талаб даражаларида ўсиш кузатилса, фирмалар ёки нархни ошириш орқали талабни қисқартирадилар, ёки инвестицияни оширган ҳолда талабни қондирадилар. Бироқ, модел иккинчи ҳолатнинг амалга ошиши иқтисодий ўсишга сабаб бўлишини кўрсатиб беради. Шу сабабли, умумий ишлаб чиқаришдаги ўсиш иқтисодиётдаги ялпи талаб ўсишининг белгисидир.

Тезлаштирувчи моделининг умумий талқини Ченерй томонидан яратилган мослашувчан тезлаштирувчи модели ҳисобланади [11]. Модел ҳар қандай даврда кўзланган (K^*) ва мавжуд капитал тўпламлари (К) ўртасида қисман мослашувни ҳисобга олади. Шу сабабдан, соф инвестиция ҳажми қуйидагича аниқланиши мумкин:

$I_{d,t} = \lambda(K^*_{d,t} - K_{d,t-1})$ (1.16)

Бу ерда λ мослаштириш тезлигини кўрсатувчи коэффициент ($1 \geq \lambda \geq 0$) ва K_{t-1} аввалги даврдаги ҳақиқий капитал даражаси.

$I_{nt} = K_t - K_{t-1} = \lambda(K^*_t - K_{t-1})$ (1.17)

ёки

$K_t = \lambda K^*_t + (1- \lambda)K_{t-1}$ (1.18)

(1.14) ни (1.18) га қўйсак, қуйидагига эга бўламиз:

$K_t = \lambda\beta Y_t + (1- \lambda)K_{t-1}$ (1.19)

ёки

$I_{nt} = \lambda\beta Y_t - \lambda K_{t-1}$ (1.20)

(1.20) тенглик соф инвестиция жиҳатдан тасвирланган. Амортизация даражасини (δ) ўзгармас деб фараз қилган ҳолда, ялпи маҳаллий инвестиция соф инвестиция ва аввалги капитал тўплами амортизацияси йиғиндиси сифатида аниқланиши мумкин :

$I_t = \Delta K_t + \delta K_{t-1}$(1.21)

ёки

$I_t = \lambda\beta Y_t + (\delta-\lambda)K_{t-1}$ (1.22)

Кўзланган капитал тўплами ва мавжуд капитал тўплами орасидаги фарқ қанчалик катта бўлса, фирманинг инвестиция даражаси ҳам шунчалик катта бўлади ва бу инвестициянинг мослашувчан тезлаштирувчи моделидаги асосий ғоя ҳисобланади. Шунинг учун, ҳар бир даврда фирмалар кўзланган капитал тўплами ва мавжуд капитал тўплами ўртасидаги фарқни йўқотиш учун ўзгармас капитал товарларига инвестиция киритади.

ТТХИ нинг мезбон мамлакатлардаги иқтисодий фаолиятга таъсири бир неча иқтисодий ва ноиқтисодий ҳолатларга боғлиқ ҳолда бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун, Мезбон мамлакатда ТТХИ маҳаллий инвестицияларни тўплаши ёки уларнинг ўрнини эгаллаши қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

мезбон мамлакатдаги инвестицион муҳит. Мисол учун, ТТХИ нинг таъсири жамғармалар ва капиталнинг бошқа шакллари етарли бўлган мамлакатларда капитал тақчил бўлган мамлакатлардан фарқ қилади.

ТТХИ нинг киритилиш шакли. Яъни, янги ишлаб чиқариш фаолиятига йўналтирилган инвестициялар бошқа шакллардаги инвестицияларга қараганда самаралироқ бўлади.

Ромер баъзи ривожланаётган мамлакатлар инфратузилманинг ривожланмаганлиги, янгилик яратишда ғоялар ва зарурий малакаларнинг етишмаслиги сабабли камбағал ҳисобланишини келтириб ўтади. Яъни, ривожланаётган мамлакатлар камбағал чунки, уларда заводлар, йўллар каби муҳим обектлар йўқ ва шу билан бир қаторда иқтисодий

қўшилган қиймат ҳосил қилиш учун ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган ғоялар учун фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд эмас. Шунингдек, Ромер ТТХИ мезбон мамлакатларга молиявий ресурслар, технология тарқалувчилари ва билим тарқалувчиларини таъминлаб беришини ва шу сабабли ТТХИ иқтисодий ривожланишнинг муҳим таркибий қисми эканлигини таъкидлайди.

ТТХИ га оид адабиётларда улар мамлакат иқтисодиёти учун қуйидаги ижобий ҳолатларни олиб келиши мумкинлиги келтирилади:

молиявий ресурслар - ТТХИ оқими чет эл капиталининг энг барқарор манбаси ҳисобланиб, улар узоқ муддатларга киритилади. Шунинг учун, кўпгина ривожланаётган мамлакатлардаги капитал тақчиллиги ТТХИ орқали бартараф этилади;

технологик билимлар - ТМК юқори даражада технологиялашган корпорациялар бўлганлиги учун, улар томонидан ТТХИ технология трансфери ҳамда рақобат даражасини ошириш орқали маҳаллий фирмалар самарадорлигини яхшилайди, мисол учун, ТТХИ маҳаллий фирмалар самарадорлик даражасига ва ўз навбатида маҳаллий инвестицияларнинг самарадорлигига таъсир қилувчи транспорт ва телекоммуникацияни яхшилашга йўналтирилиши мумкин. Шунинг учун, ТТХИ кириб келиши мезбон мамлакатдаги маҳаллий инвестициясилар ҳажмининг ошишига хизмат қилади;

ишчи кучини тайёрлаш, бошқарув малакалари ҳамда баъзи хорижий фирма ишчилари маҳаллий фирмаларга ишга ўтиши ҳисобига юзага келувчи билим тарқалувчиларидир;

иш ҳақи даражасини ошириш орқали маҳаллий аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш - Чет эл фирмалари маҳаллий фирмаларига қарганда кўпроқ иш ҳақи тўлайди ва уларда ишловчи ишчиларнинг яшаш шароитларини яхшилайди, бу, ўз навбатида иқтисодиётдаги ялпи талабни оширади, шундай экан ошган талабни қондириш учун маҳаллий инвестициялар ҳажми ҳам ошади [12].

Шу билан бирга, UNCTAD томонидан ТТХИ кириб келиши маҳаллий инвестицияларга таъсир қилиши мумкин бўлган икки механизм кўрсатиб ўтилган. Биринчидан, ТТХИ ишлаб чиқариш бозорлари орқали маҳаллий фирмаларга таъсир кўрсатади. Бу ҳолатда, ТТХИ ўз фаолиятини маҳаллий фирмалар билан ўзаро алоқалар орқали ташкил қилади. Мисол учун, чет эл фирмаси хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва хизматларни маҳаллий фирмалардан сотиб олиши мумкин ёки улар мезбон мамлакатдаги маҳаллий фирмаларни ташқи бозорлардаги ишлаб чиқариш омиллари билан таъминлаб туриши мумкин [13].

Иккинчи механизм маҳаллий молия бозорлари орқали юзага чиқади. Агар чет эллик инвестор маҳаллий молия бозоридан қарз олса, фоиз ставкаси кўтарилади ва натижада маҳаллий фирмалардан қарз олиш орқали уларнинг маблағларини ҳаракатга келтиради. Шу сабабли, ТТХИ маҳаллий инвестицияларга маҳаллий реал фоиз ставкасини ошириш орқали тескари таъсир қилиши мумкин [14].

ТТХИ нинг ривожланишга таъсирига оид яна бир муҳим масала, бу – унинг маҳаллий фирмалар томонидан амалга ошириладиган инвестицияларга (I_d) таъсир этиш даражасидир. Бу таъсир уч хил кўринишда амалга ошиши мумкин:

ТТХИ маҳаллий инвестицияларга таъсир кўрсатмайди. Бунда, ТТХИ даги бир бирлик ўсиш умумий инвестицияларда ҳам бир бирлик ўсишга олиб келади;

ТТХИ маҳаллий инвестициялар ўрнини эгаллайди, яъни, умумий инвестиция (*I*) даги ўсиш ТТХИ даги ўсишга қараганда кичик бўлади;

ТТХИ маҳаллий инвестицияларни ҳаракатга келтиради, бу умумий инвестиция (*I*) ўсиш суръати ТТХИ даги ўсишга қараганда кўпроқ бўлади.

ТТХИ нинг мезбон мамлакатдаги иқтисодий ўсишга таъсири юзасидан Ромернинг тадқиқотлари илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Ромер ТТХИ нинг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганишда эндоген ўсиш моделидан фойдаланади. Бунда ТТХИ янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилиб, “ноу хау” ларни мамлакат иқтисодиётига олиб киради (улар билан бирга технологиялар ва инсон капитали ҳам кириб келади). Агар ТТХИ маҳаллий фирмалар билан рақобат бўлган соҳаларга киритилса, бу маҳаллий тадбиркорлар учун мавжуд инвестиция имкониятларини чет эл инвестициялари томонидан эгалланишига олиб келади. Яъни, мазкур ТТХИ шакли келажакда маҳаллий инвестицияларни камайтириши мумкин.

Мазкур ёндашувга қарама-қарши гипотезани ҳам келтириши мумкин. Мисол учун, янги ишлаб чиқариш фаолиятига йўналтирилган инвестициялар, давлат томонидан қўшимча имтиёзларга эга бўлиш орқали, тармоққа кирмоқчи бўлган маҳаллий фирмалар инвестициялари ўрнини эгаллаши мумкин. Бироқ, ривожланаётган мамлакатлар шароитида маҳаллий фирмалар мавжуд тармоқларда фаолият юритишни афзал кўрадилар, чунки уларнинг янги тармоқда иш бошлаши узоқ вақт ва кўп маблағ талаб қилади. Агар янги тармоқларда технологик талаблар маҳаллий имкониятлардан жуда олдинда бўлса, давлат томонидан уларнинг қўллаб-қувватланиши тадбиркорликни ривожлантириш ва умуман иқтисодиёт учун жуда қиммат бўлиши мумкин. Масалан, 1980 йиллар бошида Бразилияда “ахборот сиёсати” юритилган бўлиб, ахборот технологиялари тармоқлари ТТХИ кириб келишига нисбатан қатъий чекловлар жорий қилинган. Чекловлар тармоққа жуда кам маҳаллий инвестициялар киритилишига олиб келган ва фирмалар жуда самарасиз фаолият юритган. Ушбу дастурдан муддати тугашидан анчагина аввал воз кечилган.

ТМК нинг бир неча маҳаллий фирмалар мавжуд тармоққа кириб келиши фаолият олиб борадиган фирмалар янада рақобатбардош бўлиш мақсадида қўшимча инвестиция киритишлари мумкин. Бироқ, ТМК катта технологик устунликларга эга эканлиги ҳисобига уларнинг инвестициялари маҳаллий фирмаларнинг инвестиция киритишини чеклаши ва уларнинг ўрнини эгаллаши ёки инқирозга олиб келиши мумкин [15].

Хаттоки, ТТХИ маҳаллий инвестиция ўрнини эгалламаганда ҳам , чет эл инвестициялари маҳаллий фирмалар томонидан қўшимча ишлаб чиқаришни рағбатлантирмаслиги мумкин ва шу сабабдан маҳаллий инвестициялар янги самарани ярата олмаслиги мумкин. Шунинг учун, чет эл инвестицияларини олиб киришда маҳаллий фирмалар билан ўзаро алоқаларнинг мавжудлиги капитал шаклланишида ТТХИ нинг соф таъсирини аниқлашда муҳим ҳисобланади. Чет эл фирмалари мавжуд маҳаллий фирмалар ўрнини эгаллаган ҳолларда, мазкур алоқаларнинг мавжудлиги маҳаллий фирмаларнинг бозордан чиқариб юборилишининг олдини олмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Blomstrom, M., Globerman, S. & Kokko, A. 1999, The determinants of host country spillovers from foreign direct investment: review and synthesis of the literature.

2. Lensink, R., Hermes, N. & Murinde, V. 2000, "Capital flight and political risk", Journal of International Money and Finance, vol. 19, no. 1, pp. 73-92.
3. Grossman, G.M. & Helpman, E. 1991, "Trade, knowledge spillovers, and growth", European Economic Review, vol. 35, no. 2, pp. 517-526.
4. North, D.C. 1990, Institutions, institutional change and economic performance, Cambridge university press.
5. Rodrik, D. & Subramanian, A. 2004, From "Hindu growth" to productivity surge: the mystery of the Indian growth transition.
6. Durham, J.B. 2004, "Absorptive capacity and the effects of foreign direct investment and equity foreign portfolio investment on economic growth", European Economic Review, vol. 48, no. 2, pp. 285-306.
7. Ayal, E.B. & Karras, G. 1998, “Components of economic freedom and growth: an empirical study”, The Journal of Developing Areas, pp. 327-338.
8. И.А.Маматқулов. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётга таъсирига оид илмий тадқиқотлар шарҳи. Жамият ва бошқарув”, № 2., Тошкент – 2020.
9. Blanchard, J.F. 2008, "Harmonious world and China’s foreign economic policy: features, implications, and challenges", Journal of Chinese Political Science, vol. 13, no. 2, pp. 165-192.
10. Agosin, M.R. & Machado, R. 2007, “Openness and the international allocation of foreign direct investment”, The Journal of Development Studies, vol. 43, no. 7, pp. 1234-1247.
11. Chenery, H.B. 1952, "Overcapacity and the acceleration principle", Econometrica: Journal of the Econometric Society, pp. 1-28.
12. Al-Sadig, A. 2013, “The effects of foreign direct investment on private domestic investment: evidence from developing countries”, Empirical Economics, vol. 44, no. 3, pp. 1267-1275.
13. UNCTAD (2007).World Investment Report 2007-Transnational Corporations, Extractive Industries and Development, Geneva: United Nations Conference on Trade and Development.
14. Harrison, A. & Hanson, G. 2007, “Who gains from trade reform? Some remaining puzzles”, Journal of Development Economics, vol. 59, no. 1, pp. 125-154.
15. Al-Sadig, A. 2013, “The effects of foreign direct investment on private domestic investment: evidence from developing countries”, Empirical Economics, vol. 44, no. 3, pp. 1267-1275.